



«O'ZBEKISTON TEMIR YO'LLARI»

AKSIYADORLIK JAMIYATI

BUYRUQ

2017-yil «03» 01

TOSHKENT

№ 1-Н

“Хизмат сафари тартиби тўғрисида”

Жамият ходимларини хизмат сафарига юбориш, хизмат сафари даврида ходимларни хавфсизлигини, сиҳат саломатлигини сақлаш чораларини кўриш ва меҳнат муҳофазаси талабларини бажарилишини таъминлаш, хизмат сафари вақтида ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган бахтсиз ҳодисаларни олдини олиш мақсадида **буюраман:**

1. Барча бошқармалар, марказлар, хизматлар, дирекциялар, минтақавий темир йўл узеллари, жамият тасарруфидаги корхона ва ташкилотлар бошлиқларига:

хизмат сафарига жўнатиш Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2003 йил 24 июлдаги №83-сонли, Адлия Вазирлиги томонидан 2003 йил 29 август куни №1268-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хизмат сафари тўғрисидаги” йўриқномаси талаблари асосида амалга ошириш;

ходимларни хизмат сафарига юбориш тўғрисида буйруқлар лойиҳалари меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармаси, ҳамда персонални бошқариш ва кадрлар тайёрлаш бошқармаси билан келишилган ҳолда киритиш;

хизмат сафарига юбориш тўғрисидаги буйруқларда ходимларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудларига хизмат сафарига бориши ва келиши фақат поездда амалга оширилишини назоратга олиш;

хизмат сафарига юбориладиган ходимлар билан навбатдан ташқари йўл-йўриқ ўтказилиши ва хизмат сафарига келган ходимлар билан кириш, бирламчи ва жорий йўл-йўриқ ўтказилиши “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ корхоналарида меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитиш ва билимларни текширишни ташкиллаштириш тўғрисидаги” Ўзбекистон (НБТ-312) талаблари асосида амалга ошириш;

хизмат сафарига юбориладиган бир йўналишдаги икки ва ундан ортиқ ходимларга буйруқ асосида малакали билимга эга бўлган жавобгар шахс тайинлаш;

ходимларни хизмат сафарига юборишда ва хизмат сафаридан кейин келишда корхона ва ташкилотларнинг жойлашган манзилидан темир йўл вокзалларига қадар олиб бориш ва олиб келиш корхона ва ташкилотларнинг хизмат автомашиналарида амалга ошириш;

хизмат сафари даврида ходимларнинг иш жойларига бориши ва келиши хизмат сафарига жўнатилган корхона ва ташкилотнинг хизмат автомашиналарида амалга ошириш юклатилсин.

2. Хизмат автомашиналарини бириктирилган корхона ва ташкилот манзилидан 100 километрдан ортиқ бўлган масофага юборилиши қатъиян тақиқлансин.

3. Меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи М.Т.Талипов ва кадрлар тайёрлаш бошқармаси бошлиғи М.М.Мамасидиқов биргаликда:

“хизмат сафари даврида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги талаблари” тўғрисида эслатма тайёрлаш топширилсин;

хизмат сафарига жўнатилаётган ҳар бир ишчи ходим хизмат сафари тартиби тўғрисидаги эслатма билан таништирилсин ва хизмат сафари гувоҳномасига (командировочное удостоверение) қўшиб берилсин.

4. Акциядорлик жамиятлари бошлиқларига юқорида кўрсатиб ўтилган талабларни жамиятга қарашли барча корхона ва ташкилотларда қўлланилиши таъминлансин.

5. 2016 йил 04 январдаги 1-Н сонли “Хизмат сафари тартиби тўғрисида”ги буйруқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур буйруқнинг бажарилиши устидан назорати бош менежер-бош муҳандис Х.Н.Хасилов зиммасига юклансин.

Бошқарув раиси



А.Ж.Раматов

“КЕЛИШИЛГАН”

Ўзбекистон темир йўлчилари
ва транспорт қурувчилари
касаба уюшмаси Республика
Кенгаши раиси

Т.Н.Нуриллаев

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон темир йўллари” АЖ
Бошқарув раиси ўринбосари

Э.Ш.Кадиров

**“Хизмат сафари тартиби тўғрисида”
ЭСЛАТМА**

**ХИЗМАТ САФАРИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ХОДИМ
ҚУЙИДАГИ ҚОИДАЛАРГА РИОЯ ҚИЛИШИ ЗАРУР:**

- Йўлда иш жойига хавфсиз етиб бориш бўйича навбатдан ташқари йўл-йўриқдан ўтиш;
Хизмат сафари топшириғи билан танишиб, имзо қўйиш;
Хизмат сафарига бориш ва қайтишни телеграмма ёки буйруқда кўрсатиб ўтилган йўналишда ва транспортда амалга ошириш;
Йўловчи поездда шахсий ва ёнғин хавфсизлиги талабларини бажариш, жамоат тартибини бузилишига йўл қўймаслик;
Хизмат сафарига йўналтирилган корхонанинг ички меҳнат тартиби қоидалари асосида ишни ташкиллаштириш;
Хизмат сафари даврида иш жойидан дам олиш жойига бориши ва қайтиши (харакатланиши) белгиланган йўналиш орқали корхона транспортида ёки пиёда амалга оширилиши;
Хизмат сафаридаги иш жойи ва дам олиш жойида спиртли ичимликлар, токсик ва наркотик моддалар истеъмол қилмаслик, қонунга зид хатти-харакатларни амалга оширмаслик;
Хизмат сафари даврида иш ва дам олиш жойларидан сабабсиз (иш берувчининг рухсатисиз) кетиб қолмаслик;
Фақат тасдиқланган схемада белгиланган пиёдалар хизмат йўлаги йўналиши орқали темир йўллар ёнида харакатланиш;
Хизмат сафари даврида электр хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиниши ва ўзига юклатилган вазифаларни хавфсизлик талабларига риоя қилган ҳолда бажариш;
Темир йўлларни кесиб ўтишда “пиёдалар хизмат йўлаги” белгиси ўрнатилган жойлардан фойдаланиш, харакатни бошлашдан олдин тўшама ҳолатига, унда бегона жисмлар мавжудлигига, тўшама ва рельслар оралиғи кенгайганлигига эътибор бериш;
Зарурият пайдо бўлганда темир йўллардан очик жойлардан тўғри бурчак остида ўтиш, рельсларни, техник ускуналарни, стрелкали ўтказгичларни, крестовиналарни, темир бетон шпалларнинг қия жойларини, бегона жисмларни босмаслик, қазилган чуқурликларни ва габаритсиз жойларни айланиб ўтиш;
Темир йўлларни кесиб ўтишда призмаларни босмаслик, тормоз йўлагидан фойдаланган ҳолда вагонга юзланиб чиқиш ва тушиш (ушлагичлар ва норвонларни созлигига ишонч ҳосил қилгандан кейин), узилган вагонлар оралиғи 10 метрдан кам бўлмаган оралиқ орасидан ва турган харакат воситаси олдидан 5 метрдан кам бўлмаган масофада ўтиш;
Тезлиги соатига 120 километргача бўлган поездлар ўтказилаётган вақтда охириги рельсдан 2 метрдан кам бўлмаган узокликда ва тезлиги соатига 120 километрдан юқори бўлган поездлар ўтказилаётган вақтда охириги рельсдан 5 метрдан кам бўлмаган узокликда туриш;
Темир йўл ёнида юрганида ва темир йўлни кесиб ўтганида қўл телефонидан ва кулокга такгич карнайлардан фойдаланмаслик.

НБТ

НОК

М.Т.Талипов

М.М.Мамасидиқов